Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 8 октябрь • сешанба • № 123 (4252)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари россиялик ҳамкасбини туғилган куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Президент Владимир Путин раҳбарлигида Россиянинг барқарор тараққиёти таъминланаётгани, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бугунги кунда улар сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестиция, фан-техника, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим эканига эътибор қаратдилар.

Президентлар самарали парламентлараро, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шерикликни мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини тасдиқладилар.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

## ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичи сифатида жорий йил бошида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди.

Лекин қимматли қоғозлар чиқариб, уларни фонд бозорида сотиш механизмидан самарали фойдаланилмаяпти. Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозорининг профессионал иштирокчилари сони юзтагаям бормайди. Шу боис 2020-2025 йилларда фонд бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охирига қадар камида 10-15 фоизга етказиш мўлжалланган.

Йиғилишда бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда бу соҳа 100 га яқин норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниб, кўплаб чекловлар ўрнатилган. Масалан, ривожланган давлатларда банклар фонд бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади, юртимизда эса банкларга бошқа субъектларнинг акцияларини бирламчи бозорда харид қилиш тақиқланган.

Давлатимиз раҳбари қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча чекловларни бекор қилиш ва фонд бозорида ишлашни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда 605 та акциядорлик жамияти акцияларининг 85 фоизи давлатга тегишли. Шундан 105 та жамиятнинг атиги 5 фоиз акцияси фонд бозорида иштирок этмоқда. Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, капитал бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар турларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

2 ▸

## ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни хорижий мамлакатлар билан эришилган келишувлар ижроси, янги инвестициявий ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Дастлаб Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси кўриб чиқилди. Жорий йил март ойида давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга расмий ташрифи жуда самарали бўлган, эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича апрель ойида «йўл харитаси» ишлаб чиқилган эди.

Ундан кўплаб истиқболли лойиҳалар ўрин олган. 300 миллион доллар эвазига Самарқанд шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш, Навоий вилоятида 200 миллион долларлик шамол ва 150 миллион долларлик қуёш электр станциялари қуриш, 203 миллион доллар эвазига Сирдарё вилоятида целлюлоза, омухта ем ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи агросаноат кластери ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Мутасаддилар инвестиция ўзлаштирилиши бошланган лойиҳалар ижросининг бориши бўйича ҳисобот берди. Шунингдек, нефть-газ, кимё, энергетика, мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг, қурилажак завод ва корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратиб, уларни тез ва пухта амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. Янги лойиҳалар бўйича музокараларни якунлаш, қурилиш ишларини бошлаш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Маълумки, жорий йил охирида Президентимизнинг Японияга ташрифи режалаштирилган бўлиб, унга тайёргарлик доирасида Токио билан энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига доир келишувларга эришилган.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, япон технологиялари асосида электростанция қуриш, сув тозалаш ва сув таъминоти тизимини модернизация қилиш, шаҳар қатновига мўлжалланган электробуслар ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

2 ▸

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукуржон Зуҳуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлар экан, ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни мисли кўрилмаган юксак даражага кўтаришга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу муносабат билан Тожикистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Юксак мартабали меҳмон, ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда ўзаро алоқалар барча даражаларда фаоллашгани қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чегарадош ҳудудлар ўртасида, маданий-гуманитар соҳада алмашинувлар кенгаймоқда.

Парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида қўмиталар ва парламентлараро гуруҳлар даражасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув сўнгида Шукуржон Зуҳуров Тожикистон парламенти қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Тожикистон Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси жорий йил декабрь ойида мамлакатимиз парламентига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

**ЎзА**



## САМАРАДОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ – муносиб меҳнат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «7 октябрь – Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни» муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида меҳнат соҳасининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев кириш сўзи билан очиб, ушбу мулоқотдан кўзланган асосий мақсад – меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси, касаба уюшма фаоллари, шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутасаддилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида мавзу муҳокамаси юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

3 ▸

Муносабат

## Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

*Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори юртдошларимизни, хусусан, зиёли ва олимларимизни жуда руҳлантириб юборди. Чунки унда белгилаб берилган қатор вазифалар она тилимизни асраб-авайлаш, уни бор гўзаллиги ва жозибаси билан юксакларга кўтариш, тарихий мавқеини тиклаб, келгусида халқаро миқёсда ишлатиладиган тиллар сафига қўшишга имкон яратади.*

### Миллат тараққиётининг бирламчи шарти



**Баҳодир КАРИМОВ,** филология фанлари доктори, профессор:

– Дунёдаги энг илғор мамлакатлар, биринчи навбатда, ўз миллий тиллари воситасида тафаккур қилгани натижасида юксак тараққиётга эришган.

Она тилимизга Давлат тили мақоми берилганини, таъбир жоиз бўлса, баҳор олдидан учиб келадиган қалдирғочга ўхшатиш мумкин. Ўша паллада биз талаба эдик. Тарихий воқеликни ўз кўзимиз билан кўрдик: ўзбек тилининг софлиги, мавқеи, мартабаси учун зиёлилар жон-жаҳди билан кураш майдонига чиқди...

4 ▸

*Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида*

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЮРТИМИЗ ҚИЁФАСИ



**Ҳасан НОРМУРОДОВ,** «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва бунёдкорликлар одамларнинг турмуши ва онгини ҳам ўзгартираётир. Ўзбекистонга илгари келган меҳмон иккинчи сафар унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этмоқда.

Албатта, бунинг замирида янгиланишга интилиш, фидойилик ва меҳнатсеварлик мужассамдир. Бундай таъриф-у сифатлар Самарқандга ҳам тегишли.

Буни биргина Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали атрофида қурилаётган туристик марказ мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар, вилоят аҳолиси учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 360 гектарлик майдонда бугун қурилиш ишлари авжида.

Лойиҳага кўра, туристик марказ икки ҳудуддан иборат бўлиб, эшкак эшиш каналининг шимолий ҳудудида замонавий анжуманлар саройи, иккита беш юлдузли, иккита тўрт юлдузли меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қурилади. Бошқача айтганда, бизнес учун мўлжалланган ҳудудда тадбиркорларга зарур бўлган шароит муҳайё этилади.

2 ▸



# ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◂1

Қимматли қоғозларга бўлган талабни кўпайтириш, хорижий биржа, брокер ва банкларни мамлакатимиз фонд бозорига жалб этиш чоралари муҳокама қилинди. Суғурта компанияларига активларининг маълум фоизини фонд бозорига йўналтириш, банкларга бирламчи бозорда юқори ликвидли қимматли қоғозларни харид қилиш учун рухсат бериш масалалари кўриб чиқилди.

Инвесторлар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқи ҳимоясини кучайтириш, дивиденд тўлаш ва ундиришни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, халқаро молиявий ҳисобот ва халқаро аудит стандартларига ўтиш бўйича топшириқ берилди.

Соҳа ривожи мутахассислар малакаси ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда юртимизда тегишли малака гувоҳномасига эга атиги 300 нафар мутахассис бор. Ривожланган мамлакатларда бу соҳада минглаб кишилар ишлайди.

Шу боис Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига Тошкент молия институтининг тегишли кафедрасини оталиққа олган ҳолда, илғор хорижий муассасалар билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш ва талабаларни ўқитиш вазифаси қўйилди.

Фонд бозоридаги ўзгаришлар ҳақида кўпроқ ахборот бериб бориш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА**

# ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

◂1

Ушбу олий даражадаги ташрифга тайёргарлик ҳамда Япония билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ҳолати бўйича маълумот берилди.

Йиғилишда жорий йил январь-сентябрь ойларида экспорт ва инвестиция прогноз кўрсаткичларининг ижроси ҳолати ва йил якуни бўйича ушбу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чоралар ҳам кўриб чиқилди. Тўққиз ойликда экспорт ҳажми қарийб 10 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, режа ошиғи билан бажарилди. Экспорт номенклатураси 74 та янги турдаги маҳсулот, географияси 42 мамлакатга кенгайди. Ўсиш суръати асосан мева-сабзавотчилик, тўқимачилик, автомобилсозлик, энергетика тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, айрим ташкилот ва ҳудудларда режалаштирилган прогноз бажарилмагани қайд этилди. Йил якунига қадар бу борадаги қолоқликни бартараф этиш, барча тармоқ ва ҳудудлар бўйича экспорт прогнозини бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда Қўқон ва Марғилон шаҳарларини 2020-2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳам муҳокама қилинди. Дастурга мувофиқ, Қўқон шаҳрида умумий қиймати 420 миллион долларлик 250 та, Марғилон шаҳрида 192 миллион долларлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Ажратилаётган инвестициялар ушбу шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш ва янги турар жойлар қуришга йўналтирилади. Президентимиз мазкур уч йўналиш Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ҳар томонлама янгилаш, одамлар ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши ва инвестиция форуми якунларига ҳам эътибор қаратилди.

Аввал берилган топшириқлар ижроси юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА**

## Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида

# Янгиланаётган юртимиз қиёфаси

◂1

Жанубий ҳудуд эса ички туризм учун мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳам олтита меҳмонхона, аквапарк, спорт иншоотлари, ресторан ва кафелар, миллий маҳсулотлар билан савдо қилувчи шохобчалар бунёд этилади. Энг муҳими, мазкур ҳудудда барпо этиладиган боғда оилавий ҳордиқ чиқариш учун кенг имконият яратилади. Бир вақтнинг ўзида уч минг нафар киши дам олиши мумкин бўлган ҳудудда электромобиллар қатнови йўлга қўйилади. Бундан ташқари, бу ерда велосипедчилар ҳамда пиёда сайр қилиш ҳадисини олганлар учун алоҳида йўлаклар барпо этилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, янги марказ қурилиши давомида эшкак эшиш каналининг табиий шарт-шароит ва имкониятлари сақлаб қолинган ҳолда йирик халқаро мусобақалар ўтказиш учун янада қулай, замон талабларига мос шароит яратилади.

Қолаверса, юртимиз нуфузини ошириш, унинг қанчалар кенг имкониятларга эга эканини кўрсатиш ҳамда ташриф буюраётган меҳмонларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги «Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида»ги қарори доирасида қадимий шаҳарнинг 42 та кўчасида муҳандислик коммуникация тармоқлари барпо этиш, 26 та кўчани реконструкция қилиш ҳамда 10 та тоннель ва кўприклар қурилиши бошланди. Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида узунлиги 534 метр ва ер ости қисмининг узунлиги 93 метрлик тоннель ҳамда кенглиги 6 метр, баландлиги 3 метр бўлган пиёдалар ер ости ўтиш йўлкаси қурилиши бошлангани бунинг ёрқин далилидир. Сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш учун авиарейсларнинг сонини ошириш бўйича қарор қабул қилиниши ҳам айни муддао бўлди: Бу Самарқандни жаҳонга кўз-кўз қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Ҳозир ислоҳотлар шиддат билан амалга оширилаётгани боис ҳаётимизда ҳар куни муҳим ўзгариш, янгилик рўй беряпти. Буни кўпчилик кўриб-билиб турибди. Президентимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси мисолида бу фикрни янада теран англаш мумкин. Чунки илгари аксарият соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпроқ марказда ўз самарасини кўрсатиб, янгилик қуйи бўғинларга тушгунча анча вақт ўтар, буни одамлар ўз ҳаётида ҳис этиши учун кўп вақт кутишига тўғри келар эди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Самарқандда қисқа фурсатда 99 та бозор инфратузилма объекти, жумладан, 20 та савдо мажмуаси ва 57 та маиший хизмат кўрсатиш ҳамда 18 та кичик турдаги ишлаб чиқариш объекти барпо этилиб, 213 та янги иш ўрни яратилди. 697,3 километрлик масофада электр ва 17,3 километрлик табиий газ тармоқлари тортилиб, 367 дона трансформатор янгидан ўрнатилди. Бундан ташқари, кўплаб трансформаторлар таъмирланди. Табиий газ етиб бормайдиган ва туман марказидан олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларига 5541 дона маиший суюлтирилган газ баллони етказиб берилди.



Кундалик эҳтиёжлар учун зарур бўлган тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 304,4 километрлик масофада янги тармоқлар тортилиб, 68 дона сув иншооти қуриб, фойдаланишга топширилиши натижасида 164 минг нафардан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш имконига эга бўлди. Халқаро жамғарма ва фондларнинг кредит маблағлари ҳисобидан Қўшробот туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қиймати 27,3 миллиард сўмлик 112,5 километрлик ичимлик суви тармоқлари ва иншоотлари қурилиши амалга оширилмоқда. Айни пайтда 2,7 миллиард сўмлик 3,9 километрлик ичимлик суви тармоқлари қуриб битказилди.

Шаҳар типида яшовчи аҳолига оқова сув хизматлари кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 94,2 километрлик масофада оқова тармоқлари қурилди. Халқаро молия институтлари кредитлари ҳисобидан 2019-2020 йилларда «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини оқова тизимини реконструкция қилиш» лойиҳаси асосида Фарҳод шаҳарчасида сув тозалаш иншооти фойдаланишга топширилди. Бу йилги режага мувофиқ, 56,1 километрлик оқова тармоғи бунёд этилди. «Обод марказ» дастури бўйича Пахтачи туманида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туман марказининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унга асосан 15 та янги объект бунёд этилди. Бундай рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Самарқанднинг Қорасув мавзесида 7 та беш қаватли хизмат уйлари (210 хонадонли), 13 та етти қаватли (546 хонадонли) кўп хонадонли арзон уй-жойлар барпо этилмоқда. Туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда 52 та кўп хонадонли турар жой бинолари қурилиши ҳам авжида.

Жорий йилда уй-жойга муҳтож оилалар учун 55 та кўп хонадонли ва 370 та намунавий арзон лойиҳадаги уй-жойлар қурилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, 5732 та саноат корхонасида 10,1 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушаётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Бу аҳоли, айниқса, ёшларнинг иш билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Оқдарё туманида фойдаланишга топширилган қиймати 36,8 млн. долларлик толадан жинси матосини тўқиш, бўяш ва тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Afrosiab jeans textile» МЧЖнинг ишга туширилиши натижасида 800 та янги иш ўрни яратилгани, Иштихон туманида фойдаланишга топширилган қиймати 22,5 млн. долларлик ип калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Maroqand sifat tekstil» МЧЖнинг ишга туширилиши натижасида 600 та янги иш ўрни яратилгани бунинг исботидир.

Вилоятда ёш авлоднинг тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилда 28305 ўринли 931 та мактабгача таълим муассасаси ишга туширилиб, 2294 нафар хотин-қиз учун янги иш ўрни яратилди. 540 ўринли 1 та умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, 48 тасида эса реконструкция ишлари амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бўйича ҳам ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Олис қишлоқларда 2 та янги тиббиёт муассасаси қурилди, 14 та қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

«Деҳқон ерни, ер элни боқади», деган нақл бор доно халқимизда. Дарҳақиқат, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигида деҳқонларимизнинг ҳиссаси катта. Вилоятимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоқли улушга эга бўлиб, ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми 10 триллион сўмни ташкил этди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 3,7 триллион сўм, чорвачилик маҳсулотлари 6,3 триллион сўмга тенг бўлди.

Ўтган давр мобайнида вилоятимизда 433,9 минг тонна донли экин, 295,9 минг тонна картошка, 279,7 минг тонна сабзавот, 13,4 минг тонна полиз маҳсулотлари, 111,7 минг тонна мева ва 5,4 минг тонна узум маҳсулотлари етиштирилди. 140,6 минг тонна гўшт, 618,7 минг тонна сут ва 623,9 миллион дона тухум ишлаб чиқарилди. Айни чоғда деҳқон-у тадбиркорлар 52,7 минг тонна маҳсулотни хорижга экспорт қилишни режалаштирган.

Хуллас, мамлакатимизда, хусусан, Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган кўламдор ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари халқимизнинг яхши яшашига хизмат қилмоқда.

Нигоҳ

**Кун сайин чирой очиб бораётган пойтахтимиздаги ўзгаришларни кўриб, беихтиёр баҳри дилингиз очилади. Айниқса, йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўлўтказгичлар, кўприклар қурилаётгани таҳсинга сазовор. Аммо... Меъморчилик назариясига кўра, ҳар қандай янги иншоот уч муҳим талабга жавоб бериши: қулай, мустаҳкам ва чиройли бўлиши керак. Агар ушбу талабларнинг бири амалга ошмаса ҳам, иншоот кутилган вазифасини тўлиқ бажара олмайди. Хўш, замонавий иншоотларимизда аҳвол қандай?**

# Кўприк қулайлик учун қурилган, аммо...



### ЗИНАЛАР КЎП, ЭСКАЛАТОР ЭСА...

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги метро бекатидан чиқишда Олмазор ва Шайхонтоҳур туманига қарашли ҳудудда 2014 йилда қурилган пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган йўлўтказгичнинг бугунги кундаги аҳволи ҳақида, афсуски, юртдошларимизнинг фикри ижобий эмас. Чунки мазкур кўприкларга чиқиш учун бир томондан 40 та зина, иккинчи томондан 43 та зинадан кўтарилишга тўғри келади.

Икки йил муқаддам шу кўприкдан ўтганимизда эскалатор ишламаётгани туфайли йўловчиларнинг норозиликларини эшитган эдик. «Орадан анча вақт ўтди, энди вазият яхши томонга ўзгаргандир», деган эҳтимол билан яна шу манзилга йўл олдик. Афсуски, ҳамон «эски ҳаммом – эски тос» экан. Иккита йўлўтказгичнинг 4 та чиқиш-тушиш эскалатори бор. Аммо уларнинг атиги биттаси ишлаб турганини нима билан изоҳлаш мумкин? Йўловчилар билан суҳбатда билдикки, бу эскалатор ҳам баъзан ишламай қолаётган экан.

### ПАНДУСЛАР КЕРАК ЭМАСМИ?

– Мирзо Улуғбек туманида яшайман, – дейди 63 ёшли Маргарита Пўлатова. – Йўлнинг нариги тарафидаги дўконга тез-тез келиб тураман. Ногиронман. Бу кўприкдан чиқиб-тушиш менга жуда оғирлик қилади. Зиналар кўп, эскалатор эса... Аслида, бунчалар баланд кўприкка чиқиш учун ҳам, тушиш учун ҳам эскалатор ўрнатилиши лозим эди. Аммо улар фақат чиқиш учун хизмат қилади. Бунинг устига мунтазам ишламайди. Нега лойиҳалашда бу жиҳатлар эътиборга олинмаган? Қолаверса, кўприкдан ўтиш чоғида шу пайтгача ҳар иккала эскалатор ҳам ишлаб турганини камдан-кам кўрганман. Ахир, одамларнинг оғирини енгил қилиш, хавфсизлигини таъминлаш учун қурилган иншоот қулай бўлиши керак эмасми?



– Набирамни боғчага элтишда шу ердан ўтаман. Албатта, эскалатор яхши ишламаслиги катта муаммо. Қолаверса, ногирон ва болалар аравачасида гўдагини олиб кетаётган оналар учун ҳам махсус йўлакчалар барпо этилмаганига сира тушунмайман, – дейди 56 ёшли Гулнора Исматуллаева. – Кўпинча болали аёллар зинадан тушаётганларида аравачасини бирорта эркак кишидан тушириб қўйишини илтимос қилишга мажбур.

Метро бекатидан чиққанда «Халқ банки» жойлашган, у ерга тез-тез нафақасини олгани кексалар келишади. Аксарияти шу кўприкдан ўтишдаги ноқулайликдан норозилик билдиришади.

### МУТАСАДДИ НИМА ДЕЙДИ?

Муаммо юзасидан Тошкент шаҳар сунъий иншоотлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, таъмирлашга ихтисослашган бошқарманинг ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи Баҳодир Зоҳидовга мурожаат қилдик.

Унинг айтишича, мазкур иншоотлар шу йилнинг август ойигача қурилиш компаниясидан тўлиқ қабул қилиб олинмаган ва расмий жиҳатдан Тошкент шаҳар сунъий иншоотлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, таъмирлаш ихтисослашган бошқармасига ўтказилмаган. Бу ҳудуддаги йўлўтказгичларнинг бири Шайхонтоҳур, иккинчиси Олмазор тумани маъмуриятига қарашли. Айни пайтда Олмазор туманидаги кўприкнинг эскалатори электр энергияси харажатлари тўланмагани учун ишламай турибди. Ушбу иншоот қурилишига буюртмачи корхона – Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси юзага келган 16 миллион 700 минг сўм миқдордаги қарздорликни Олмазор тумани электр тармоқларига тўласагина, эскалаторлар ишга тушиши мумкин.

– Ҳозирда ушбу муаммони ҳал қилиш чораларини кўряпмиз. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси яқин кунларда қарздорликни тўлашни ўз бўйнига олган, – дея қўшимча қилди суҳбатдошимиз.

Сир эмаски, мазкур иншоотнинг қурилиши учун катта маблағ ажратилган, хориждан техник ускуналар олиб келинган. Йўлўтказгичнинг мустаҳкам, чиройли қурилганига ҳам аминмиз. Бироқ... Беихтиёр ажабланасан киши: замонавий мосламалар ишлатилмас экан, ундан не наф? Ахир, асл мақсад аҳоли учун қулай ва замонавий шароит яратиш эмасми?

### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Мақолани чоп этишга тайёрлаган кунимиз, таҳририятимизга қўнғироқ бўлиб, Шайхонтоҳур ва Олмазор туманидаги кўприкларнинг эскалаторлари тўлиқ ишга тушганлиги ҳақида хабар қилишди. Ҳақиқатдан, ҳудуддаги иккала кўприкнинг ҳам эскалаторлари ишлаб турган экан.

– Мана, ишлатиб қўйса бўларкан-ку! – дейди фахрий шифокор Адҳам Очилов. – Онда-сонда шу ердан ўтиб тураман. Бугун техник қурилмаларнинг ишлаётганини, аҳоли ундан мамнуният билан фойдаланаётганини кўриб, хурсанд бўлдим. Хайрли ишга бош қўшганлар барака топсин!

Ҳамюртларимизнинг фикрларини тинглаб, кўнглимиз таскин топди. Хайриятки, мутасаддилар берган ваъдаларининг устидан чиқишибди. Тошкент шаҳар сунъий иншоотлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, таъмирлаш ихтисослашган бошқармаси саъй-ҳаракатлари билан Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси электр энергиясидан қарздорликни тўлиқ тўлаб берибди.

Шундан сўнг «Новза» метро бекати ва Чилонзор туманидаги «Оқтепа» ҳудудида жойлашган йўлўтказгич – кўприклар ҳолати билан ҳам яқиндан танишиш фикри туғилди. Метро бекатидаги кўприкнинг лифт қурилмаси ишлаб турган экан. Йўловчилар лифтнинг мунтазам ишлаётганини айтишди. Аммо «Оқтепа» ҳудудидаги 2 та кўприкнинг ҳар бир томонида 44-45 тадан зина бўлишига қарамай, лифт ёки эскалатор қурилмаси ўрнатилмаган. Шу боис, айримлар йўлнинг нариги тарафига ўтишда кўприкдан фойдаланаётгани ҳолда, аксарият одамлар ўз саломатлигини хавфга қўйиб, йўлни кесиб ўтмоқда. Сабабини сўрасак, йўловчилар кўприкдан ўтиш кўп вақт олишини, боз устига, ноқулайлигидан ёзғирди. Бу ерда йўлўтказгич бошқа жойлардагига қараганда қисқароқ. Аммо бу ҳол масъулиятдан қочиш учун асос бўла олмайди. Бунинг устига, ногиронлар ва ёш болали аёллар аравачада ўтиши учун ҳам қулайликлар мавжуд эмас.

Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Иншоотларни лойиҳалаш жараёнида ҳар жиҳатдан пухта ўйланганида бугун аҳвол бошқача бўлиши мумкин эди.



Зебо НОМОЗОВА,
«Ishonch»



◂1

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини бажаришга кўмаклашиш» лойиҳаси катта техник маслаҳатчиси Анастасия Дубова ўз маърузасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шароити яратиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ва ундаги ўзгартиш ва қўшимчалар, қонуннинг афзалликлари хусусида сўз юритди.

ХМТнинг «Пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг Учинчи томон мониторинги» лойиҳаси катта техник маслаҳатчиси Йонас Аструп пахтачиликда мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Иш берувчилар конфедерацияси Ижрочи директори Фаррух Омоновнинг муносиб меҳнат концепциясини татбиқ этишда конфедерация томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маърузаси ҳам кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримованинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг жаҳон ҳамда юртимизда қай даражада амалга оширилганига оид маълумот ва далиллари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбатида меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига оид масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
«ISHONCH»

*Жиззах вилояти*

## ТЕРАН НАЗАР БИЛАН

Инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришига имкон яратувчи омил – муносиб меҳнатнинг тўрт унсури мавжуд: бандлик, ҳуқуқ, ҳимоя, мулоқот.

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу хусусда сўз борди.

– Айни пайтда 130 тадан ортиқ мамлакатда касаба уюшмалари «Бутунжаҳон меҳнат куни» муносабати билан турли тадбирлар уюштиради, – деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев. – Бугунги тадбир шу соҳадаги ишларимизга теранроқ назар солишга ундайди.

– Жорий йилнинг ўтган даврида 93 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишларини бартараф этиш бўйича таклифлар киритилди, – дейди Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Икром Жабборов. – 81 та корхона, ташкилот ва муассасалар иш берувчи ва мансабдор шахсларидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этилгани тўғрисида ахборотлар олинди. Вилоятдаги 4 та ташкилотда 204 та иш ўрни меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказдирилди. Бунинг натижасида 2657 нафар ходимнинг махсус кийим, гигиена ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишига эришилди. 2921 нафар ишловчи ходимнинг қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши доимий назоратда.

Умуман олганда, ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш, барқарор иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилаётир. Меҳнат соҳасида давлат ва жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда. Муносиб меҳнат тамойилларига амал қилиш учун давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий мулоқот кенг йўлга қўйилган.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
«ISHONCH»

# САМАРАДОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ – муносиб меҳнат

*Андижон вилояти*

## ҲАР БИР ХОДИМ МАНФААТИ МУЖАССАМ

Ҳозирги пайтда Андижон вилоятида битта ҳудудий келишув, 10 минг 772 та жамоа шартномаси амалда. Улар расмий бандликка кўмаклашиш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги хавфсизлиги, ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, хотин-қизлар ва ёшлар учун имтиёзлар, ХМТ конвенцияларига риоя этиш сингари меъёрларни қамраб олган.

Кейинги йилларда касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси масалалари, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида шикастланишларнинг олдини олиш ва касб касалликлари профилактикасига жуда катта эътибор қаратяпти.

Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишлаб Андижонда ташкил этилган давра суҳбатида асосий эътибор мутахассисларнинг фикрларини уйғунлаштиришга қаратилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари мутасаддилари жорий йил давлат дастури доирасида меҳнат соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган асосий ўзгартиришлар, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва бошқа жиҳатлар хусусида сўз юритдилар. Жамоа шартномалари бажарилишининг таҳлили жараёнида кўзга ташланаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда кичик бизнес, ҳунармандчилик, касаначилик, маиший хизмат соҳаларида расмий бандликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳокама марказида бўлди.

**Нурилло НУЪМОНОВ,**
«ISHONCH»

*Хоразм вилояти*

## МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида сана муносабати билан ташкил қилинган давра суҳбати қизиқарли ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги, бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят прокуратураси, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, муносиб меҳнат масаласи ҳокимлик, иш берувчи ва касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Муносиб меҳнат Концепциясида илгари сурилган тўртта муҳим стратегик мақсад, яъни меҳнат соҳасидаги асос солувчи ҳуқуқларни амалга ошириш, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш борасида вилоятда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 19257 нафар ишчи-ходимнинг бандлиги таъминланган. Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида барча корхона ва ташкилотларни касаба уюшма хизматига жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Давра суҳбатида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилиб, ушбу йўналишда ечимини кутаётган масалалар ҳам кенг муҳокама қилинди. Барча ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини такомиллаштириш, бу борада ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар илгари сурилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«ISHONCH»

*Навоий вилояти*

## ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган тадбирни бирлашма кенгаши раиси Назира Тоғаева очиб берди. Таъкидландики, бугун юртимизда меҳнат соҳасининг барча йўналишларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжни рағбатлантириш, барқарор иш ўринларини яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш бўйича тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Охирги уч йилда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар турли мулк шаклига эга бўлган янги ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига кенг имкониятлар яратмоқда. Янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар кўламини кенгайтириш, нафақат ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

*Қорақалпоғистон Республикаси*



## УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида вазирлик, бошқарма, қўмиталар вакиллари иштирокида давра суҳбати қизғин кечди.

Унда кун тартибидаги мавзу бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Д.Ўразбоев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси сектор бошлиғи Б.Қутлимуратов, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Қ.Мирзабаев маъруза қилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда меҳнат соҳасида таъсирчан давлат ва жамоатчилик назорати амалга оширилаётгани, муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув, Бош Келишув асосида Минтақавий келишувларнинг амал қилаётгани мазкур йўналишлардаги ишлар самарадорлигини таъминлаётгани таъкидланди.

Давра суҳбатида муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш орқали мамлакатимизда болалар меҳнатининг бартараф этилгани ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Еркинбай УТЕПБЕРГЕНОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

*Сирдарё вилояти*

## БАРЧАГА БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, инсон муносиб меҳнат шароитларига, унга тўланадиган иш ҳақи кафолатларига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, меҳнатга жалб қилишнинг ҳар қандай мажбурий кўринишларига йўл қўйилмаслиги лозим.

Семинар ишида бандлик, иш ҳақи, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, меҳнат хавфсизлиги соҳасида касаба уюшмаларининг вазифалари, муносиб меҳнат концепциясини татбиқ этишда Савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида мутахассислар маърузалари тингланди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

*Тошкент вилояти*

## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИ

Тошкент вилоятида бўлиб ўтган «Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни» га бағишланган давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳудудий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда болалар ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар ва уларнинг самарали натижалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

– Вилоятимизда ҳам меҳнат соҳасининг барча йўналишларида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ишчи кучига бўлган эҳтиёжни рағбатлантириш, барқарор иш ўринларини яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш бўйича тизимли саъй-ҳаракатлар эътирофга лойиқ, – дейди Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Ўткирбек Рашидов. – Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначилик, ҳунармандчилик, шахсий томорқа хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«ISHONCH»

*Самарқанд вилояти*

## ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТ

Самарқандда бўлиб ўтган давра суҳбатида муносиб меҳнат омиллари хусусида фикр юритилди. Унда ҳамкор ташкилотлар, молия, халқ таълими, бандлик бошқармалари, Савдо-саноат палатаси мутахассислари, ОАВ вакиллари иштирок этишди

– Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини тубдан такомиллаштириш борасида ижтимоий шериклик тамойилига асосланиб келинмоқда, – деди давра суҳбатини бошқариб борган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Ижтимоий ҳаёт кафолати бўлмиш меҳнат жамиятда ўз қадр-қимматини топмоқда. Ишчи-ходимлар манфаатлари қатор қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга муносабат устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодировнинг «Меҳнат муносабатларини ривожлантириш асослари» , вилоят бандлик бош бошқармаси мутахассиси Ҳамид Аҳмедовнинг «Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили давлат дастури» доирасида меҳнат соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган асосий ўзгаришлар», Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқарма ходими Бобур Казаковнинг «Муносиб меҳнат концепциясини татбиқ этиш борасида бошқармада амалга оширилаётган ишлар» тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

## ОЛҒА СИЛЖИШ БОР

Қарши шаҳрида ташкил этилган давра суҳбатида давлат ҳокимияти органлари, вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидландики, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари ва жойлардаги вакиллар 421 та қоидабузарликларни аниқлаган ва уларнинг 314 таси бартараф этилган.

Давра суҳбатида «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов сўзга чиқиб, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, улар учун маданий дам олиш ва соғломлаштириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давра суҳбати қизғин ва жонли, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»


Можрум сайёҳларни мафтун этади, аммо...

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Одамлар розилиги учун

**Газетанинг шу йил 13 август куни сонида чоп этилган «Можрум сайёҳларни мафтун этади, аммо...» сарлавҳали мақоласига Жиззах вилояти ҳокимлиги қуйидагича муносабат билдирди:**

Можрум қишлоғи олис Фориш туманининг «Дўстлик» МФЙ ҳудудида жойлашган бўлиб, айни пайтда бу ерда «Обод қишлоқ» дастури доирасида ижтимоий соҳа объектлари ва коммуникация тармоқлари таъмирланмоқда. Хусусан, қишлоқдан сайёҳлик марказига олиб борувчи 5,8 километрлик йўлнинг 4,1 километрлик қисмида таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Йўлнинг қолган қисми эса дастур доирасида босқичма-босқич таъмирланади.

Эски Фориш ва Можрум қишлоқларида 2 та трансформатор пункти қурилиб, 6,5 километрлик янги электр тармоқларини тортиш ва 86 та таянч устунлар ўрнатиш ишлари йил якунига қадар бажарилади. Бу ишлар масъул мутасаддиларнинг алоҳида назоратига олинган.

Бундан ташқари, шу йил 22 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ Фориш туманида ҳам режа асосида телекоммуникация тармоқлари фаолияти йўлга қўйилади.

**А.РАҲМОНҚУЛОВ,**
Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари

# Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

## Миллат тараққиётининг бирламчи шарти

◂1

*Она тилимиз ўша маҳалларда сал бўлмаса, оила доирасида гаплашиладиган маиший бир тилга айланиб қолиш хавфи остида турган эди. Ҳайриятки...*

*Ўша кунларнинг ўтганига ҳам мана ўттиз йил бўлибди. Бу орада ўзбек тили кўп янгиликларга юз тутди. Она тилимизга хориж тилларининг хавф солишига ҳеч бир ўзбекистонлик зиёли бефарқ бўла олмайди.*

*Бошқа ҳамма соҳа дунёнинг исталган жойида тараққий қилиши мумкин. Бироқ ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш негизи Ўзбекистондир.*

*Нутқдаги нуқсон ва камчиликлар устида кўплаб мулоҳаза билдириш мумкин. Зиёлиларимиз фикрларини равон ифодалаши учун мамлакатдаги барча олий таълим даргоҳларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилиши шарт. Мактаб ва лицей даврида ўзбек тили ва адабиётидан олинган сабоқлар зиёли учун камлик қилади.*

*Ўзбек тилининг бойишига қайсидир маънода адиблар улкан ҳисса қўшади. Ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай вазифани бажарган. «Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар». Абдулла Қодирийнинг ўзбек тили қадри ҳақидаги фикри шундай. У ўз асарлари билан бу мумтоз тилнинг ифода имкониятларини, сўз воситасида худди рассомдек нафис ва латиф манзаралар чизиш, сўздан бебаҳо маънавият қасрларини бунёд қилиш мумкинлигини исботлаб берди. Чўлпон эса «Мен суюб...мен суюб...кимни суюбмен? Мен суйган «суюкли» шунчалар гўзал, Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!» каби ўнлаб беназир мисралари билан шоир юрагини шеърга солиб, ўзбек тилининг жозибадор оҳангини, инсоннинг қалб садоси ва унинг акс-садосини, ўзбекона тасвир, тасаввур ва тафаккур кўламини намоён қилди.*

*Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кунни байрам қилишга ҳақлимиз. Чунки биз учун ота-она, эл-юрт, қариндош-уруғ қанчалар қадрли бўлса, ота макон ва она тил шу даражада азиздир. Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг мазкур қарори тарихий аҳамиятга эга.*

## Қутлуғ кунлар нашидаси



**Хосият РУСТАМОВА,**
«Китоб дунёси» газетаси бош муҳаррири:

*– Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китобида ибратли бир воқеа ҳикоя қилинган. Ўғли урушда бедарак йўқолган авар аёли узоқ йиллар унинг йўлига кўз тикиб яшайди. «Келиб қолар» деган умидидан воз кечмаган она шу илинжда кексаяди, сочлари оқариб, қомати букчаяди. Ҳаёт эса тасодифларга тўла. Иттифоқо, ўғлининг тирик экани, Европанинг қайси бир давлатида яшаётгани, таниқли рассом экани ҳақида хабар келади. Онанинг қувончи чек-чегара билмайди. Шу асно у жиддий тортиб, хушхабар олиб келган кишидан «Ўғлим сен билан қайси тилда гаплашди?», деб сўрайди. Саволига «Ўзимизнинг тилимизни унутган экан, тилмоч орқали сўзлашдик», деган жавобни олади. Аёл маъюс тортиб қолади. Сўнг ўрнидан туриб уйига кириб кетади-да, қора кийиб чиқади ва «Ўғлим тирик деб юрсам аллақачон ўлган экан», деб аза очади.*

*Ҳикоядан кўринадики, тилдан воз кечиш, унутиш – ўзлигидан қайтиш демакдир. Инсон учун бу маънавий фожиа. Одамзод она тилисиз миллат сифатидаги қиёфасини сақлаб қололмайди. Она тилимизга ҳар хил таъсирлар кўпайган пайтда ҳар бир ўзбек фарзанди, айниқса, қалам аҳли уни асраш учун қаттиқ жон куйдириши, ёзувчи, шоирларимиз асарларида она тилининг бой имкониятини бор бўй-басти билан кўрсатиб бериши лозим. Мен дунёнинг машҳур ёзувчиларини биламан. Улар тўрт-бешта тилни мукаммал билади. Аммо фақат битта тилда – ўз она тилларида ёзади. Чунки улар, биринчидан, фақат ўз тилидагина маромига етказиб тасвирлаб, ҳис-туйғуларини ифода эта олиш лозимлигини яхши англайди, иккинчидан, ўз она тилига бўлган ҳурмат бошқача ёзишига йўл қўймайди.*

*Президентимизнинг Давлат тилимизнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори тарихий воқелик ҳисобланади. Бу кунни муносиб нишонлаш бурчимиздир.*

## Қадринг ҳам, қаддинг ҳам мудом тик бўлсин



**Шарофат ТОШМИРЗАЕВА,**
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси, Халқ таълими аълочиси:

*– Президентимизнинг «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори жавобини кутаётган баъзи саволларга ечим, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлган ўз она тилимизга давлат миқёсида бўлган эътиборнинг муносиб эътирофи бўлди.*

*Ҳа, айтиш жоизки, тил ўзлигимизни англашнинг бош белгисидир. Халқимизда «Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас», деган ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган. Аввало, она тилимиз қадрига етсак, ўзга тиллар аҳамиятини англаймиз, ҳис қиламиз. Чет тилларни чуқур ўрганиб, керакли ўринда фойдаланишимиз фойдадан холи бўлмайди. Аммо, уларни бўлар-бўлмасга тилимизга қориштириш яхши эмас. Она тилимизга ўзга сўзларни чоғиштириш гўёки булбул куйига тўтиқуш сайроғи қўшилгандек бир ҳодиса. Фикрли, сўз қадрига етган инсон буни яхши англайди, ватандек азиз, онадек табаррук ўз она тилининг келажаги йўлида қайғуради. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шундай деган эди: «Ўзбек тилим бошқаларга қандоқ, билмайман, лекин мен учун дунёда энг бой, энг гўзал, энг баркамолдир. Ўзбекча гапириб тилим чиққан, қўлимга қалам олиб ўзбекча ёзганман. Қалбим севинчлари ва изтиробларини ўзбекчада туширганман, она тилимнинг кўрки, барваста қомати саҳифалардан жаҳонга бўй кўрсатиб турса дейман».*

*Қарорда «ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштирилсин», деган жумлани ўқиб қалбимизда фахр туйдик. Бир неча аср аввал туркий тилнинг латофати, гўзаллиги ва бойлигини илмий, бадиий жиҳатдан исботлаб берган ҳазрат Навоий бобомизга ҳар қанча эҳтиром кўрсатсак кам.*

*Тилини йўқотган эл халқ сифатида ҳам унутилади. Шундай экан, ёш авлодни ўз она тилига муҳаббат руҳида тарбиялашимиз, тилни эъзозлашга, бу тилда равон ва ширали сўзлашга ўргатишимиз шарт.*



**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
ёзиб олди

Саломатлик бекати

# Озиш учун эмас, яшаш учун ҳаракат қилинг!

**Кейинги пайтларда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда озишни хоҳлаганлар учун рекламалар кўпайгандан-кўпайди. Уларни кўриб, «озиш» ер юзида глобал муаммога айланиб бормоқда», деган хулосага келасан киши. Муаммони ечиш учун «Тўғри овқатланиш» саломатлик марказлари, фитнес клубларига қатнаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, шаҳарларда. Хўш, семизлик ёхуд озиш даврнинг муҳим масаласига айландими? Умуман, бу каби усуллар қанчалик наф беради?**

### ДЎППИНИ БОШДАН ОЛИБ...

– «Тўғри овқатланиш» саломатлик марказлари ва фитнес клубларига қатнаб, ортиқча вазндан халос бўлиш мумкинлиги айни ҳақиқат – дейди нейропсихолог Расулбек Полвонов. – Аммо машғулотларни тўхтатгач, «амаллаб» йўқотилган вазн ёнига вазн қўшиб олганлар ҳам кам эмас. Бу билан турли марказлар фаолиятини қоралашдан йироқмиз, албатта. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, уларга боришдан аввал «дўппини ерга қўйиб», организмимиз билан «дилдан суҳбатлашиб», унга нима кераг-у, нима керак эмаслигини билиб олиш даркор.

Семизлик фобиясига учраганлар хаёлида фақат бир ўй бўлади: бир ойдан сўнг фалончиникида тўй, фалон байрамгача озиб, чиройли бўлиб олишим керак...» . Улар шу ўринда бир нарсани унутмаслиги лозим: Шунча пулни бекорга совуриб, кимнингдир чўнтагини қаппайтирмаяптими? Эртага машғулотлар тугаса, яна семириб кетмайдими?

Аслида, ҳақиқатнинг кўзига тик қаралса, 35 ёшдан сўнг нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам семира бошлайди. Сабаби оддий – гормонлар алмашинуви бошланган бўлиши мумкин. Тавсия: ортиқча вазн йиғишни бошладингизми, биринчи ўринда шифокорга мурожаат қилинг. «Озиш учун» ҳар хил воситаларни истеъмол қилиш ярамайди. Организмни стрессга солиш ўрнига унга муҳлат бериш керак.

### ТАОМНОМАДА НИМАЛАР БОР?

Яқинда бир танишим мурожаат қилди: Нимагадир сочларим босим тўкиляпти. Нима қилсам экан-а?

Мен ҳам ундан сўрадим: Мабодо, таомномангиздан нонни олиб ташламадингизми?

– Қаердан билдингиз? Икки ойдан бери «Тўғри овқатланиш» марказига қатнаяпман. Нон емаяпман. Шу икки ой ичида 15 килограмм вазндан халос бўлдим. Лекин... «Фақат менинг сочим тўкиляптими?» десам, гуруҳда ҳаммада шу ҳол эмиш... .



Аслида, ҳар бир инсон парҳез таомлар тановул қилгани маъқул. Аммо аввал парҳез нималигини билиб олиш лозим.

**Парҳез – калорияси паст, ёғсиз, қайнатилган ёки қозонга солиб димланган таомлар. Организмни керакли витамин ва моддалардан чеклаб, оч қолиш, дегани эмас.**

Денгиз маҳсулотларида инсон организмига керакли бўлган витаминли моддалар кўп. Бироқ бундай имкониятдан ҳамма ҳам бирдек фойдалана билмайди. Шунинг учун парҳез қилганда нонни чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Энг яхшиси, кам миқдорда, тандирдан янги узилганини эмас, балки суви қочган ёки қора нонни нонушта вақтида ейиш лозим.

### «АЛДАНГАН ОШҚОЗОН» МУАММОСИ

Инсон организмида иштаҳа тизимини назорат қилувчи тўртта гормон мавжуд. Булар – инсулин, грелин, кортизол, нейропептидлардир.

Очлик ёки нафсимизни талаб қилган нарсани чеклаш билан ошқозонни алдаб бўлмайди. Чунки, алданган ошқозон грелин гормонини йиғишни бошлайди. Кунлардан бир кун бу гормон назорат қилиб бўлмас ва эплаб бўлмас даражада иштаҳани қўзғатиб юбориши аниқ. Бу йиғинди моддалар алмашинув жараёнини ҳам ёмонлаштиради ва қарабсизки, озиш учун қилган ҳаракатлар чиппакка чиқади.

Озиш учун парҳезнинг кераги йўқ. Чунки ошқозон билан мия баравар ишлайди. Масалан, эрталаб манти егингиз келди. Буни дарров мия «илиб» олади ва кутади. Сиз эса қоматингизни сақлаш мақсадида тушликка манти эмас, гречка единигиз. Ошқозон эса мияга «мен манти емадим» дея сигнал бериб тураверади. Мия эса ваъда қилинган мантини кутиб ўтираверади. Шу сабаб тўртта манти ўрнига биттагина манти еб қўя қолинг, олам гулистон.

Шу сабаб доимий тановул қиладиган таомлар миқдорини аста-секин камайтириб боришни йўлга қўйиш лозим. Бу ошқозонни торайтириш имконини яратади.

Гўзал бўлиш иштиёқида ўйламай босилган қадам, масалан, тановул қилинаётган таомлар калориясини сезиларли даражада пасайтириш натижасида организмни қаттиқ стрессга солиш ва унинг мувозанати бузилиши сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг ўзи камдек, биз яна экспресс парҳезга ўтиб, ошқозон ва мияни оч қолдирсак, ортиқча вазнни йўқотганимиз тақдирда ҳам бошқа дардларни орттириб олишимиз мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак.

### МИЗОЖНИНГ ҲАМ ЎРНИ БОР

Инсон қоматини сақлаш ҳаракатини қилар экан, ўз физиологик ва руҳий ҳолатини ёдда сақлаши даркор. Чунки одамларнинг ташқи кўриниши турлича бўлганидек, организм ҳам ҳар хил бўлади. Қолаверса, организм иссиқ ва совуқ мизож бўлади. Иссиқ мизож кишилар калорияси паст таом ва ичимликларни тановул қилиши керак. Совуқ мизожлилар эса бунинг акси. Лекин кузатишлар шуни кўрсатяптики, иссиқ мизожлар кўпроқ калорияли, совуқ мизожлар эса калориясизни хуш кўради. Шу сабабли бу борада билимини оширган одам саломатлигини ҳам мустаҳкамлайди.

### ҲАММАСИ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

Озишнинг энг тўғри йўли – физиологик меҳнат билан кўпроқ шуғулланишдир. Бировларга чиройли кўриниш учун ёки «семириб, хунук бўлиб кетяпман, чиройли бўламан» деб эмас, балки йиғилаётган ортиқча вазн эвазига ҳансирашни йўқотиш, қандли диабетнинг олдини олиш ва ҳоказолар учун ҳаракат қилиш керак.

Семиришга олиб келувчи биргина мисол: телевизорни ётган жойимиздан ёқиб-ўчиряпмиз, кир ювиш машинаси ўзи ювиб, ўзи қуритиб ҳам беряпти. Мисолларни келтираверииш мумкин. Ҳаммаси битта нарсага бориб тақалади – камҳаракатликка!

Шу боис, кўпроқ ҳаракатда бўлиш, эрталабки бадантарбияни унутмаслик лозим. Кўпроқ ҳаракат қон айланиш тизимини яхшилайди. Қолаверса, доим калорияларнинг чеки-чегарасини билишимиз шарт. Шунда нафақат ортиқча вазндан қутуламиз, балки хавфли касалликларнинг олдини ҳам олган бўламиз.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА**
тайёрлади

Эълонлар

**«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

«Ishonch» газетасининг 19.09.2019 йилдаги 114 (4243)-сонида берилган эълондаги «Бошланғич баҳоси – 649 480 000 (Олти юз қирқ тўққиз миллион тўрт юз саксон минг) сўм» деган жумла «Бошланғич баҳоси – 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион) сўм» деб тузатиб ўқилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси, «Қашқадарё соҳили санаторийси» МЧЖ асосчиси, узоқ йиллар мазкур санаторий раҳбари бўлиб ишлаган **Акром АКБАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:** С. Шодиева
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **01:10**
Топширилди – **02:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г –1017.** **27692** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6